“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд давлат университети ректори
______ проф. Р.И. Халмурадов
“12” декабрь 2020 й.

## Самарқанд давлат университетида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк) худудий филиали инкубация марказини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

| Т/р | Тадбирлар номлари | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд давлат университетида Самарқанд IT-парк худудий филиалининг инкубация марказини ташкил этиш тўғрисида ҳамкорлик меморандумини тасдиқлаш | 1. Самарқанд давлат университетида IT-парк Самарқанд худудий филиалининг инкубация марказини ташкил этиш бўйича Ҳамкорлик меморандумини имзолаш.<br>2. Самарқанд давлат университетида таълим соҳасидан келиб чиқиб хамкорлик йўналишларини белгилаб олиш. | 2020 йил декабрь<br><br>2021 йил январь | Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Самарқанд худудий филиали, Самарқанд давлат университети |
| 2. | Самарқанд давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан инкубация марказини ташкил этиш | 1. Самарқанд давлат университетида инкубация марказларини ташкил этиш учун зарур майдонларни ажратиш.<br>2. Инкубация марказини замонавий компьютер техникаси, керакли мебель ва зарур инвентарлар билан жиҳозлаш. | 2020 йил декабрь<br><br>2021 йил I чорак | Самарқанд давлат университети |
| 3. | Инкубация маркази фаолияти веб-муҳитини яратиш | 1. Инкубация марказининг логотипини ишлаб чиқиш.<br>2. Инкубация марказининг расмий веб-сайтини яратиш.<br>3. Ижтимоий тармоқларда инкубация марказининг расмий саҳифаларини очиш. | 2021 йил I чорак | Самарқанд давлат университети |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Инкубация маркази фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб этиш | 1. Инкубация маркази фаолиятини йўлга қўйиш, уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш, тегишли мутахассисларнинг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш.<br>2. Инкубация маркази учун ажратилган штатларни малакали мутахассислар билан тўлдириш.<br>3. Инкубация маркази ходимлари учун “Олий таълим муассасаларида стартап лойиҳаларини қўллаб- қувватловчи инкубация марказлари фаолиятини юритиб бориш” бўйича семинар тренинглар ташкил этиш. | 2021 йил январь<br>2021 йил февраль<br>2021 йил февраль-май | Самарқанд давлат университети, IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |
| 5. | Инкубация маркази фаолиятини қўллаб-кувватлаш | 1. Инкубация маркази фаолиятини мувофиқлаштиришни Самарқанд давлат университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорига бириктириш.<br>2. Самарқанд давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларини кенг жалб этиш мақсадида IT-парк резидентлари билан ҳамкорликда мастер-класс, тренинг, учрашувлар ва онлайн вебинарлар ташкил этиш.<br>3. IT-парк резидентлари томонидан амалга оширилган лойиҳалар тақдимотини ўтказишни йўлга қўйиш. | 2020 йил декабрь<br>режа-график асосида<br>доимий | Самарқанд давлат университети, IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |
| 6. | IT-парк резидент-компанияларида Самарқанд давлат университетининг иқтидорли талабаларини малакавий амалиётларини ташкил этиш | 1. Самарқанд давлат университетининг иқтидорли талабалари томонидан IT-парк резидент-компанияларида малакавий амалиётларини ўташ бўйича келишув имзолаш.<br>2. Иқтидорли талабаларнинг IT-парк резидент- компанияларида малакавий амалиётларини ташкил этиш. | 2021 йил февраль<br>амалиёт даврида | Самарқанд давлат университети, IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |
| 7. | Самарқанд давлат университетида инкубация ва акселерация дастурларини | 1. Вилоятдаги соҳаларда мавжуд муаммоларни ўрганиш.<br>2. Аниқланган муаммоларни тегишлилиги | доимий<br>доимий | Самарқанд давлат университети, IT-парк Самарқанд |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | бўйича кафедраларда таҳлил қилиш.<br>3. Таҳлилий натижалардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари ва ёш олимларини муаммолар ечими бўйича лойиҳаларга жалб қилиш.<br>4. Самарқанд давлат университети талабаларининг стартап-лойиҳалари учун соҳаларда мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда инкубация ва акселерация дастурларини ишлаб чиқиш.<br>5. Талабаларнинг стартап-лойиҳаларини танлаб олиш бўйича олий таълим муассасаларида эълон бериш ва ариза қабул қилиш.<br>6. Талабаларнинг стартап-лойиҳаларини IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали мутахассислари иштирокида танлаб олиш ҳамда Самарқанд давлат университети Инкубация марказининг инкубация ва акселерация дастурларига киритиш. | доимий<br>режа-график асосида<br>режа-график асосида<br>режа-график асосида | ҳудудий филиали |
| 8. | IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали ва Самарқанд давлат университети ўртасида илмий тадқиқотлар доирасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш | 1. Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ва битирув малакавий ишлари мавзуларини долзарб илмий-технологик муаммоларни ҳисобга ҳолда IT-парк ҳудудий филиали билан ҳамкорликда шакллантириш.<br>2. Талабалар ва профессор-ўқитувчилардан ташкил топган инновацион гуруҳларни шакллантириш.<br>3. Инновацион гуруҳларнинг таклифлари асосида давлат хусусий шерикчилик асосида кичик “Инновацион корхона”ларни ташкил этиш.<br>4. Инкубация ва акселерация дастурларига киритилган Лойиҳаларни IT-парк резидент-компаниялари ва “Инновацион корхона”лар билан ҳамкорликда амалга оширишни йўлга қўйиш. | ҳар ўқув йили бошида<br>доимий<br>доимий<br>доимий | Самарқанд давлат университети,<br>IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9. | Самарқанд давлат университетида “Бир миллион дастурчилар” лойиҳасини кенг тартиб этиш | 1. IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида вилоятдаги олий, ўрта ва профессионал таълим муассасаларининг ахборот технологияларига оид фанлар профессор-ўқитувчилари учун вебинарлар ташкил этиш.<br>2. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида малака оширган профессор-ўқитувчилар ёрдамида Самарқанд давлат университети талабалари, академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар ўқувчиларини лойиҳага кенг жалб этиш орқали иштирокчилар сонини ошириш. | режа-график асосида<br><br>режа-график асосида | Самарқанд давлат университети,<br>IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |
| 10. | Самарқанд давлат университети талабалари ўртасида инновацион фаолият билан истиқболли стартап-лойиҳаларини яратишни кенг тарғиб қилиш | 1. Инновацион фаолият билан шуғулланиш ва истиқболли стартап лойиҳаларини яратиш бўйича IT-парк резидентлари, Самарқанд давлат университети олимлари ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда талабалар учун “маҳорат дарслари”ни ташкил этиш.<br>2. Инновацион фаолият билан шуғулланиш ва истиқболли стартап-лойиҳаларни яратишга қаратилган илмий-амалий конференциялар ўтказиш. | доимий<br><br>доимий | Самарқанд давлат университети,<br>IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |
| 11. | Самарқанд давлат университетида стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида талабаларнинг стартап-лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни ташкил этиш | 1. Талабаларининг стартап-лойиҳаларини қўллаб-кувватлаш бўйича Самарқанд давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйиш.<br>2. Самарқанд давлат университети талабалари ўртасида Самарқанд вилояти кесимида стартап-лойиҳаларни танлов асосида ўтказиш.<br>3. Энг яхши истиқболли стартап-лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда Самарқанд вилоятидаги қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, | 2021 йил, май<br><br>ҳар йили<br><br>доимий | Самарқанд давлат университети,<br>IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим ва ахборот технологияларида фаолият юритувчи ташкилотлар фаолиятига жорий қилиш. | | |
| 12. | Самарқанд давлат университетида инкубация ва акселерация дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 1. Самарқанд давлат университети талабаларининг стартап-лойиҳалари учун инкубация ва акселерация дастурларини ишлаб чиқиш.<br>2. Талабаларнинг стартап-лойиҳаларини танлаб олиш бўйича олий таълим муассасаларида эълон бериш ва ариза қабул қилиш.<br>3. Талабаларининг стартап-лойиҳаларини IT-парк мутахассислари иштирокида танлаб олиш ҳамда Самарқанд давлат университети Инкубация марказининг инкубация ва акселерация дастурларига киритиш.<br>4. Стартап-лойиҳалар ташаббускорларининг мазкур дастурларда иштирокини таъминлаш.<br>5. Дастурлар натижаларига кўра Самарқанд вилояти кесимида стартап-лойиҳалар намойишларини ташкил этиш ва ўтказиш (demo day).<br>6. Самарқанд давлат университети Инкубация марказининг инкубация ва акселерация дастурларининг энг яхши стартап-лойиҳалари учун маблағ ажратиш. | 2021 йил январь<br>2021 йил январь<br>2021 йил февраль<br>2021 йил февраль-март<br>2021 йил март<br>2021 йил апрель | IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали, Самарқанд давлат университети<br>Самарқанд давлат университети |
| 13. | Самарқанд давлат университети талабалари ўртасида инновацион фаолият билан шуғулланиш ва истиқболли стартап-лойиҳаларни яратишни кенг тарғиб қилиш. | 1. IT-парк мутахассислари, илмий ташкилотлар олимлари ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда талабалар учун “стартап-лойиҳаларни ривожлантириш” йўналиши бўйича ойлик семинар-тренингни ташкил этиш ва истиқболли стартап-лойиҳаларни яратиш.<br>2. Самарқанд давлат университети талабалар ўртасида турли танловларни ташкил этиш ва ўтказиш | 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили | Самарқанд давлат университети, IT-парк Самарқанд ҳудудий филиали |